

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	5
<b>1.Кобзева О. П.</b> ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
<b>2.Кебадзе М., Лекидзе Т.</b> XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
<b>3.Холиқова Р.Э.</b> БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
<b>4.Муҳитдинова Ф.А.</b> СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
<b>5.Ҳайдаров М.М.</b> УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
<b>6.Абраров С.А.</b> ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
<b>7.Рахмонқулова З.</b> XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
<b>8.Абдуллаев Ў.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
<b>9.Абдурасулова Д.Т.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
<b>10.Абдурахманова Ж.Н.</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
<b>11.Азаматова Г.Б.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**  
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,  
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**  
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА  
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**  
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ  
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА  
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ  
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**  
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР  
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**  
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ  
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**  
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ  
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА  
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ  
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**  
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН  
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**  
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK  
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING  
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**  
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Абдурасулова Дилбар Тўраевна,  
Жиззах давлат педагогика институти

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*For citation: Abdurasulova Dilbar Turaevna. INDUSTRIAL DEVELOPMENT AND ECONOMIC INDICATORS OF THE DZHIZAK CITY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2020, SI, pp. 72-78*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-9>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида Ватанимиздаги шаҳарларининг тараққиётида муҳим ўрин тутувчи Жиззах шаҳрининг мустақиллик йилларида ривожланиши ёритилган. Шунингдек, Жиззах шаҳрида саноат тараққиёти ва фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг реал даромадлари ҳақида статистик маълумот келтирилган ҳамда уни ривожлантириш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилган.

**Калит сўзлар:** шаҳар саноати, истеъмол товарлари, кичик ва ўрта бизнес, давлат ва хусусий сектор, аҳоли бандлиги ва реал даромади, озиқ-овқат маҳсулотлари, экспорт, импорт.

Абдурасулова Дилбар Тураевна,  
Джизакский государственный педагогический институт

## ПРОМЫШЛЕННОЕ РАЗВИТИЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ГОРОДА ДЖИЗАКА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о развитии города Джизака за годы независимости Республики Узбекистан, которая играет важную роль в нашей стране на сегодняшнем этапе развития. Также, приводятся статистические данные о

промышленном развитии и реальных доходах действующих промышленных предприятий в городе Джизаке и соответствующие предложения, рекомендации по его развитию.

**Ключевые слова:** городская промышленность, потребительские товары, малый и средний бизнес, государственный и частный сектор, занятость и реальные доходы, продукты питания, экспорт, импорт.

**Abdurasulova Dilbar Turaevna,**  
Jizzakh State Pedagogical Institute

## INDUSTRIAL DEVELOPMENT AND ECONOMIC INDICATORS OF THE DZHIZAK CITY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

### ABSTRACT

This article describes the development of the Jizzakh city over the years of independence in the Republic of Uzbekistan, which plays an important role in our country at the present stage of development. Also, statistical data on industrial evolution and real incomes of operating industrial enterprises in the city of Jizzakh and relevant proposals, recommendations for its development are provided.

**Index Terms:** urban industry, consumer goods, small and medium-sized businesses, public and private sectors, employment and real incomes, food products, exports, imports.

Долзарблиги. Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дунёқарашлари ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равишда давлатчилик тизимини яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу босидан ҳам, жаҳон тарихшунослигида шаҳар маданияти тараққиёти доимо диққат эътиборда бўлиб келган. Шу боисдан ҳам жаҳон фанида шарқ давлатлари, жумладан марказий осийдаги шаҳарлар маданиятини ўрганишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида ватанимиздаги шаҳарлар маданиятининг барча даврларини таҳлил этиш, уларни янги назарий-методологик асосда баён қилиш, холис хулосалар чиқариш - тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шунингдек, Жиззахда шаҳар маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг умумий аҳволи ва унинг муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам юқорида саналган вазифалар қаторига киради.

Бунинг боиси, Жиззах вилояти мамлакатимизнинг маркази минтақасида - шарқдан ғарбга, жанубдан шимолга йўл олган тарихий-савдо йўлининг чорраҳасида жойлашган, она Ватанимиз ҳудудидан шарққа ёки ғарбга йўл олган карвонлар, элчилар, қўшинлар айна шу манзиллардан ўтган. Вилоят ҳудудининг жанубий сарҳади бир-бирига боғланиб кетган тоғ тизмалари билан, ғарбий томон Нурота тизма тоғлари Темир дарвоза орқали Туркистон тизма тоғлари билан уланиб кетади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизация ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Вилоят ҳудуди икки томони тоғлар билан ўралган, ўртаси текисликдан иборат узун йўлакни эслатади. Унинг маркази Жиззах шаҳри ана шу йўлакнинг марказида қад ростлаган. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, "Жиззах деганда, аввало Зарафшон воҳасида жойлашган, ўзининг гўзал ва бетакроп табиати, қадимий тарихи, сервиқор тоғлари, бериён дашту-далалари, энг муҳими, оқкўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлари билан одамни ўзига мафтун этадиган бир диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади". [1, С.345]

Истиқлол йилларида мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов саъй-ҳаракати билан Жиззахда қайта қуриш, бунёдкорлик, уни миллий ва замонавий шаҳар сифатида янгидан барпо этиш ишлари кенг кўламда олиб борилди.


Бугунги кунда Жиззах шаҳарининг умумий майдони 9640 га ни ташкил этади. Аҳолиси 172454 та, шаҳарда бугунги кунда 34 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд [2].

Кейинги йилларда Жиззах вилояти ва унинг марказида иқтисодий янада юксалтиришга, саноат тараққиёти учун кенг йўл очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун саноат корхоналарини барпо этиш асосий масала қилиб белгиланган эди. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармони [3] ана шу ишларнинг муваффақиятли амалга ошишига асос бўлиб хизмат қилди. Фармонга мувофиқ махсус индустриал зона учун Жиззах шаҳридан 364 гектар ер ажратиб берилди. Зонада хорижий инвестициялар иштирокида жами қиймати 158,2 миллион доллар бўлган 24 та йирик саноат лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган эди. Бугунги кунгача 63,6 миллион доллар қийматга тенг 21 та лойиҳа амалга оширилди. Янги "Auto Pad Systems" кўшма корхонаси ана шу лойиҳалардан бири ҳисобланади. Марказий Осиёда ягона бўлган бу корхонада йилига 520 минг дона тормоз колодкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яна бир йирик лойиҳа асосида "Roish Home White Goods" кўшма корхонаси барпо этилди. Бу кўшма корхонада йилига 650 мингдан ортиқ телевизор, музлаткич, электр печ ва кир ювиш машинаси каби электротехника маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундай лойиҳалар асосида ҳали кўплаб янги корхоналар ишга туширилиши режалаштирилган.

Бундан 20-25 йил аввал бармоқ билан санарли ишлаб чиқариш корхонаси бўлган шаҳарда айни пайтда 500 га яқин катта-кичик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 2 453,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,2 % ни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 1078 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-декабрга нисбатан 107,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 143,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 13,3 % ни ташкил қилиб, 934,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 109,1 фоиз) ташкил қилди [4.]

Диаграмма 1. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш улуши, фоизда



Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ички бозорини товар ва хизматлар билан таъминлашда, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда, ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишда, ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутаносиблигини камайтиришда, иқтисодий турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий катализатори ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор конъюнктураси ўзгаришларига ҳам, истеъмолчи талаби ўзгаришларига ҳам тез мослашишга қодир бўлиб, истеъмол бозоридаги мувозанатни ушлаб туришда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, рақобат муҳитининг шаклланишига хизмат қилади. Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳарда 2 453,8 млрд.сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши амалга оширилган бўлиб, шундан 1 598,4 млрд.сўм ни кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин[5].

Диаграмма 2. Январь-декабрь ойларида Жиззах шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг таркиби (млрд. сўмда)



Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-

иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Жиззах шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 1 503,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, шунинг билан бирга давлат секторида 645,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, нодавлат секторида 1 808,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этади.[6].

Диаграмма 3. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида (фоиз ҳисобидаги улуши)



Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутаяди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Жиззах вилояти ва туманларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, худудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Жиззах шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 2 453,8 млрд.сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич Жиззах вилоятининг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилишида 107,2 % ташкил этди. Шаҳарда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 13 942,1 минг.сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,4 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, шаҳарда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 1 078,0 млрд.сўмни ташкил қилиб, Жиззах вилоятининг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишида 47,3 % ташкил этди. Шаҳарда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари аҳоли жон бошига 6 124,8 минг.сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,1 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан саноатни ривожлантиришга боғлиқ. Саноатни ривожланиш даражасига қараб иқтисодий ўсишни барқарорлигини белгилаш мумкин. Бунинг боиси, миллий саноат ривожланишининг иқтисодий аҳамияти асосан унинг иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қиймат яратиш ва миллий бозорни инвестицион ва истеъмол товарлари билан тўлдиришдаги роли билан белгиланади. Маълумки, миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши саноатдаги ўзгаришлар ҳисобланади. Саноатда янги технологияларнинг ўзлаштирилиши ва янги корхоналарнинг қурилиши қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши ҳамда меҳнат

унумдорлигининг ошишини таъминлаши ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан ҳам, Жиззах шаҳрида саноатни анада ривожлантириш учун қўйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим :

- шаҳар табиий-ресурс салоҳиятидан имконият даражасида тўлик ва самарали фойдаланиш;
- шаҳарда таркибий ва институтчионал ўзгаришларнинг самарадорлигини ошириш;
- ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун имкониятларни бериш, рақобатбардошликни ошириш ва уларга ташқи бозорга чиқиш учун қулайликлар яратиш;
- янги турдаги маҳсулотлар ва технологиялар ишлаб чиқариш учун мамлакат илмий-техникавий салоҳиятидан фойдаланиш.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах шаҳрининг саноат тармоғини келгусида янада ривожлантириш, ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳамда ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослашуви принципларига амал қилиниш даражасига боғлиқ бўлади. Шаҳар саноат тармоғини янада такомиллаштириш учун, аввало, қўйидаги тавсияларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида бор имкониятларни ишга солиш;
  - бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш;
  - янги моддий-техника базасини барпо этиш борасида тегишли йўл харитасини ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини доимий назоратга олиш;
  - янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;
  - шаҳар саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини рағбатлантиришни йўлга қўйиш;
  - импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳаллийлаштириш дастурини жадал суръатлар билан ривожлантириш.
- Хулоса ўрнида бугунги кунда Жиззах шаҳри юртимизнинг йирик иқтисодий, маданий ва маънавий марказларидан бирига айланиб бормоқда.

#### Иқтибослар/Сноска/ References

- [1] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 345-б (Mirziyoev Sh.M. We will build our great future together with our brave and noble people. -Tashkent: Uzbekistan, 2017. 345-б.)
- [2] Жиззах шаҳар статистика бўлими материаллари.Жиззах: 2019. (Materials of Jizzakh city statistics department. -Jizzakh, 2019).
- [3] Қаранг. Халқ сўзи, 2013 йил 19 март. (See: People's Word. March 19, 2013)
- [4] Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотнома. - Жиззах, 2019 25- бет. (Information on the state of socio-economic development of Jizzakh in 2016-2018. -Jizzax, 2019 Page 25)

[5] Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотнома. - Жиззах, 2019. 27-бет (Information on the state of socio-economic development of Jizzakh in 2016-2018. -Jizzax, 2019. Page 27)

[6] Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотнома. - Жиззах, 2019. 29-бет (Information on the state of socio-economic development of Jizzakh in 2016-2018. -Jizzax, 2019. Page 29)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000